

## 1 – масала

### “2014-2015 ўқув йили якунлари ва 2015-2016 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ илмий Кенгашнинг 2015 йил 29 октябрдаги 1/1 сонли қарори

Илмий кенгаш “2014-2015 ўқув йили якунлари ва 2015-2016 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришга оид Фармон ва қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2014-2015 ўқув йилида институтда маълум ишлар амалга оширилди.

Институтда соғлом муҳитни таъминлаш ишлари ва талаба-ёшлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш мақсадида институт раҳбариятининг профессор-ўқитувчи ва талабалари билан учрашувлари режа асосида ўтказилиб борилди.

Ўтган 2014-2015 ўқув йилида **21 та** бакалавр таълим йўналишлари ва **13 та** магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш амалга оширилди.

Институтда ўқув жараёнини ташкил этиш институтнинг **4 та** факультети ва **26 та** кафедралари томонидан амалга оширилди.

Ўтган ҳисобот йилида талабалар контингенти **3673** нафарни ташкил этиб, шулардан **3552** нафари бакалаврият, **121** нафари магистратура талабалари.

Профессор-ўқитувчилар **384,25** штат бирлигини ташкил этиб, **459 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатди. Шу жумладан илмий унвон ва илмий даражали профессор-ўқитувчилар **132 нафарни**, яъни илмий салоҳият **32,2 %** ни ташкил этади. Бу кўрсаткич охириги йилларда **камайиш тенденциясини олган**.

Институтда илмий тадқиқот натижаларини соҳа вакиллари ва турдош ОТМлар билан ўзаро муҳокама қилиш мақсадида **2015 йилнинг 14-15 май кунлари “Биоларнинг энергия самарадорлигини ошириш ва қурилиш физикасининг долзарб муаммолари”** мавзусида республика илмий-техник анжумани ўтказилди.

АЛ ва КХК ларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида 2014-2015 йиллар давомида касб-ҳунар коллежлари учун институт профессор-ўқитувчилари томонидан **10 та** ўқув қўлланма, **5 та** услубий кўрсатма ва **5 та** ўқув-услубий ишланмалар ва жами **69 та** ўқув-услубий адабиётларнинг электрон версиялари тайёрланди ва институт АРМга тақдим этилди.

Ўтган ўқув йили давомида институтнинг малака ошириш факультетида жами **90 нафар** ўқитувчи ўз касбий маҳоратларини оширган бўлса, шулардан **30 нафари** институтга бириктирилган АЛ ва КХК ларининг ўқитувчилари ва **60 нафари** бошқа вилоятлардаги турдош КХК ҳиссасига тўғри келади.

2015 йилнинг 9 ойи давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **6 млрд 546 млн сўм** молиялаштирилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлик асосида **172,5 млн** сўм ишлаб топилди.

Шу режага асосан жорий йилнинг баҳор ойларида институт ҳудудида **305 дона** манзарали, **54 дона** игна баргли, **210 дона** мевали, **200 дона** терак, **25 дона** тол ва **2 дона** пальма дарахтлари ҳамда **20 000 донадан** ортиқ бир йиллик ва **305 дона** кўп йиллик гул кўчатлари ва **2000 м<sup>2</sup>** майдонга “Канада-грин” ўти экилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “2014-2015 ўқув йили якунлари ва 2015-2016 ўқув йилидаги долзарб вазифалари ҳақида”ги масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедовнинг** ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг “**Одоб ахлоқ қоидалари**”га тўлиғича амал қилишларига эришилсин. **Масуллар:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов**, факультет деканлари ва кафедра мудирлари.

3. Талабалар турар жойида яшовчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида **ҳар чоракда** турли спорт мусобақаларини ташкил этилсин. **Масъуллар:** Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи **Т.Эгамов** ва “Жисмоний тарбия” кафедралар мудирлари **Ш.Я.Хусайинов**.
4. Модуль тизими асосида электрон мажмуалар яратилишини ниҳоясига етказиш ва шу орқали профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилини, ўқув-услубий мажмуаларга вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самараси оширилсин. **Масъуллар:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**, кафедра мудирлари ва барча профессор-ўқитувчилар. **Муддат:** Ўқув йили давомида.
5. Битирув малакавий ишлари ҳамда диплом лойиҳалари мавзуларини архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги долзарб мавзуларга ва реал муаммоларга қаратилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари ва Магистратура бўлими бошлиғи. **Муддат:** ўқув йили давомида.
6. Институт педагог ходимларининг чет тили ва ахборот технологияларини билиш даражасини ошириш бўйича ўқув машғулоти давом эттирилсин. **Масъуллар:** Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**, факультет деканлари, “Чет тиллар” кафедраси мудирлари **Д.Э.Мансурова** ва “Ахборот технологиялари” кафедраси мудирлари **У.А.Назаров**. **Муддат:** ўқув йили давомида.
7. Мутахассис чиқарувчи кафедралар ҳамкорлигида 2015-2016 ўқув йилида давлат бюджети ҳисобидан ўқиган битирувчиларнинг барчаси иш ўринлари билан таъминланишига эришилсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, махсус кафедра мудирлари, Маркетинг хизмати бўлими **М.У.Саримсоқов**. **Муддат:** 2016 йил август ойигача.
8. Институтга бириктирилган АЛваКХКларида таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга кўмаклашиш мақсадида “Маҳорат дарслари”, “Намунали очик маърузалар”, “семинар-тренинг”лар ташкил этилсин. **Масъуллар:** АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор **А.Н.Гадаев** ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
9. Мутахассис чиқарувчи кафедралар томонидан Давлат илмий-техник дастурлари грантларида ва танловларида ёш олимлар иштирокини таъминлансин, хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтирилсин. **Масъуллар:** Илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков** ва мутахассис чиқарувчи кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.
10. Институт ҳудуди ва биноларида олиб борилаётган жорий ва капитал таъмирлаш ишлари 2015-2016 ўқув йилида ҳам режа бўйича давом эттирилсин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари проректори **Б.Қ.Абдусаматов**.
11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш барча соҳалар бўйича проректорлар зиммаларига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## 2 – масала

**“Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2015 йил 3 октябрдаги “Жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида”ги 18/64-15-сонли тақдимномасининг муҳокамаси” масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2015 йил 29 октябрдаги 1/2-сонли қарори**

“Самарқанд вилоят прокуратурасининг 2015 йил 3 октябрдаги “Жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида”ги 18/64-15-сонли тақдимномасининг муҳокамаси” масала юзасидан институт ректори **С.И.Ахмедов**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Жумладан, Самарқанд вилоят прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан айбланувчи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг маънавий-маърифат ишлар буйича проректори **Яхшибоев Ғайрат Худойбердиевич** ва мазкур институтнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишловчи қабул комиссияси аъзоси **Махамматов Музаффар Сафарович**ларга нисбатан бўлган 15|28612-сонли жиноят иши буйича тергов ҳаракатлари яқунланганлигини айтиб ўтди.

Терговда аниқланишича, **Ғ.Яхшибоев** 2011 йил 29 апрель кунидан бошлаб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти маънавий-маърифий ишлар буйича проректори лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб келган лавозимига кўра мансабдор шахс ҳисобланиши, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 08.06.2015 йилдаги Х-78-сонли буйруғи билан қабул комиссияси масъул котиби этиб тайинланганлиги, унга қабул жараёнини юқори даражада уюшқоқлик билан, тартибли равишда ташкил этиш, тест жараёнининг ҳолисона ва адолатли ўтишини таъминлаш, абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ барча шароитларни яратиш ҳамда тест синовлари натижалари бўйича абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига тўлиқ маълумотлар бериш ваколати юклатилганлигидан қасддан фойдаланиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти «Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш» кафедраси ассистенти ва бир вақтнинг ўзида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг касаба уюшмаси қўмитаси раиси лавозимида ишловчи ҳамда қабул комиссияси аъзоси ҳисобланган давлат муассасаси мансабдор шахси **М.Махамматов** билан олдиндан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ, бўлишиб, Самарқанд шаҳар, Али Қушчи кўчаси 18-уй, 4-хонадонда яшовчи фуқаро **М.Рахматова**га жияни **Б.Ўриновани** мазкур ўқув юртини «Шаҳар қурилиши ва хўжалиги» йўналиши бўйича қабул комиссиясига ҳужжатларини қабул қилиш ва уни ушбу йўналишга ўқишга киритиш учун ўзининг қабул комиссиясининг масъул котиби лавозимидалиги ваколатларидан келиб чиқиб, тест синовни пайтида унта тест саволларини ечтириб бериш йўли орқали **Б.Ўриновани** ўқишга киритиш эвазига 2015 йил 7 июль кuni соат 16:00 ларда **М.Рахматовадан** **М.Махамматов** орқали 10 млн. 241 минг 680 сумга тенг бўлган 4 минг АҚШ долларини тамагирлик йўли билан пора тариқасида олаётган вақтида **М.Рахматованинг** аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирга жалб килинган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан жиноят устида ушланиб, ушбу 4 минг АҚШ доллари миқдоридаги пуллар ашёвий далил сифатида олинганлигини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, жиноят иши буйича **Ғ.Яхшибоев** ва **М.Махамматовларга** нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «в», «г» бандлари билан айблов эълон қилиниб, тергов ҳаракатлари тугалланиб, иш судга ўтказилганлигини айтиб ўтди.

Ушбу ҳолатларни тақрорланмаслиги ҳамда олдини олиш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида институтда профессор-ўқитувчи ва талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича 2015-2016 ўқув йилининг чора-тадбирлар режаси (*Чора-тадбирлар режаси иловада*) ишлаб чиқилганлиги айтиб ўтилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. Самарқанд вилоят прокуратурасининг Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига йўллаган 2015 йил 3 октябрдаги *“Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида”*ги 18|64-15-сонли тақдимномаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақидаги 2015-2016 ўқув йилининг чора-тадбирлар режаси барча факултет ва кафедраларга етказилсин.
3. Институтнинг барча факультет деканлари, бўлим бошлиқлари ва кафедра мудирлари ўз жамоалари ўртасида қонун устиворлиги, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш, тамағирликнинг оғир оқибатлари ва жиноят учун жазо муқаррарлиги хусусида тарғибот ишларини олиб боришсин.



**Илмий кенгаш котиби**

**Кўчирма ҳақиқий**

**Р.Т.Эшмаматов**

### 3 – масала

#### **“Якуний Давлат Аттестациялари ва диплом лойиҳаларининг ҳимоялари натижалари тўғрисида”ги масала бўйича Илмий кенгашнинг 2015 йил 29 октябрдаги 2/1-сонли қарори**

Илмий кенгаш **“Якуний Давлат Аттестациялари ва диплом лойиҳаларининг ҳимоялари натижалари тўғрисида”**ги масала юзасидан институт ўқув-услубий бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**нинг ҳисоботини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

2014/2015 ўқув йилида институтдаги барча бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг якуний Давлат Аттестациялари синовлари ва диплом лойиҳаларининг ҳимоялари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 22 майдаги 160-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига тўла мувофиқ равишда ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда ўтказилди.

2014/2015 ўқув йили битирувчи талабаларнинг “Ўзбекистон тарихи” “Чет тили” (инглиз, немис, француз) фанларидан якуний давлат аттестация синовлари 18 та бакалаврият таълим йўналишлари бўйича институт ректорининг 2015 йил 5-январдаги Х-2 сонли ва 12 та магистратура мутахассисликлари бўйича 2015 йил 22-апрелдаги Х-55 сонли буйруқлари асосида ташкил этилди. Якуний давлат аттестация синовларини юқори савияда ўтказиш учун барча ташкилий чоралар кўрилди.

Синовлар якунларига кўра **“Ўзбекистон тарихи”** фанидан Якуний давлат аттестациясида битирувчи 4 курс талабаларининг **897** нафари ва **2** нафар олдинги йилларда ўқиган талаба, жами **899** нафар талаба иштирок этиб, ўз билимларини синовдан ўтказишди. Улардан, **114** нафар талаба **“аъло”** (13,0 %), **326** нафари **“яхши”** (36,8 %), **457 +2\*** нафари **“қониқарли”** (50,0%) баҳога баҳоланди.

**“Чет тили”** фанидан синовларида қатнашган **899** нафар битирувчидан **104** нафари (11,5%) **“аъло”** баҳога, **257** нафари (28,5%) **“яхши”** баҳога, **538** нафари (60%) **“қониқарли”** баҳога топширишди.

Ўқув режасига мувофиқ рус гуруҳларидаги 2-босқич талабалари **“Ўзбек тили”**дан ҳам якуний давлат аттестация синовларидан ўтишди. Синовларга кирган **201** нафар талабадан **39** нафари **“аъло”** (20%), **73** нафари **“яхши”** (36%), **89** нафари (44%) **“қониқарли”** баҳога лойиқ кўрилди.

Жорий ўқув йилида мавжуд **12** та магистратура мутахассисликлари бўйича **“Мутахассислики фанлари”**дан ЯДА синовларини **60** нафар магистрдан **17** нафари (21%) **“аъло”** баҳога; **24** нафари (55%) **“яхши”** баҳога; **18** нафари (24%) **“қониқарли”** баҳога топширишди.

Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўтган ҳисобот даврида жами **784** битирувчидан **777** си диплом лойиҳалари ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишди.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, факультет деканатлари ва гуруҳ мураббийларининг эътиборсизликлари туфайли деярли барча факультетларда талабаларнинг синов дафтарчаларида фанлардан якуний назорат балларининг ўз вақтида қўйилмаганлиги, тўғри тўлдирилмаганлиги ёки декан имзоси ва муҳрларининг бўлмаганлик ҳолатлари кузатилди. Факультетларда консультация жадваллари эълон қилинган бўлишига қарамасдан, уларнинг ўтказилиш сифати ва талабаларнинг давомати масалаларида камчиликларга йўл қўйилди.

Юқоридаги қайд этилган мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. **“Якуний Давлат Аттестациялари ва диплом лойиҳаларининг ҳимоялари натижалари тўғрисида”**ги масала юзасидан институт ўқув-услубий бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов**нинг ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Фан ўқитувчилари томонидан фанлардан ўтказилган назорат турлари бўйича талабаларнинг рейтинг балларини ўз вақтида уларнинг рейтинг дафтарчаларига

- киритиб бориш назоратга олинсин. **Масъуллар:** Факультет деканлари, кафедра мудирлари.
3. Якуний давлат аттестация синовлари фанларининг ҳамда улар олдидан ўтказиладиган консультацияларнинг сифат даражаси ва самарадорлиги янада оширилсин. **Масъуллар:** факультет деканлари, кафедра мудирлари.
  4. Диплом лойиҳалари ва БМИ мавзуларини танлашда мавзуларни талабага ўқишнинг олдинги босқичларида бериш ва жараёни тизимли ташкил этиш чоралари кўрилсин. **Масъуллар:** факультет деканлари ва кафедра мудирлари.
  5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

#### 4 – масала

**“2014-2015 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан Илмий кенгашнинг 2015 йил 29 октябрдаги 2/2 сонли қарори**

Илмий кенгаш “2014-2015 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг маърузасини тинглаб, муҳокама этиб, қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 13 августдаги 247-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги буйруғи ва институт ректорининг жорий йилнинг 13 августдаги 220-у-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда институт ва факультетларда тузилган ишчи гуруҳларнинг хулосалари асосида институт профессор-ўқитувчиларнинг 2014-2015 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2015-2016 ўқув йилида қуйидаги профессор-ўқитувчиларга **юқори тоифа** 2015 йил 2 ноябрдан берилиши белгиланган:

*Илова 1*

Шунингдек, институт профессор-ўқитувчиларнинг 2014-2015 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2015-2016 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига қуйидагича табақалаштирилган **устама ҳақлари** 2015 йил 2 ноябрдан берилиши белгиланган.

*Илова 2*

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### **Илмий кенгаш қарор қилади**

1. “2014-2015 ўқув йили бўйича институт профессор-ўқитувчиларининг рейтинг балларини тасдиқлаш ва ойлик маошларига табақалаштирилган устама ҳақларини белгилаш ҳақида”ги масала юзасидан комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. 2015 йил 2 ноябрдан институт профессор-ўқитувчиларнинг 2014-2015 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2015-2016 ўқув йилида 1-иловада кўрсатилган профессор-ўқитувчиларга **юқори тоифа** берилсин. **Масъуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** ва комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**
3. 2015 йил 2 ноябрдан институт профессор-ўқитувчиларнинг 2014-2015 ўқув йилида бажарган ишларини натижасига кўра 2015-2016 ўқув йилида профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 2-иловада кўрсатилганидек табақалаштирилган **устама ҳақлари** белгилансин. **Маъсуллар:** Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов** ва комиссия раиси **Қ.Ю.Абдуллаев**.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## Ҳар хил масалалар.

Кун тартибидаги ҳар хил масалаларни давом эттириш учун сўз илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовга** берилди.

### I. Фанлардан рейтинг назоратларни қайта топшириш муддатини узайтириш ҳақида.

#### Эшитилди:

Ушбу масала бўйича институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори **А.Т.Қўлдашев** сўзга чиқиб, 2015 йилнинг 15 сентябрида институт “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан институт ректори номига Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги бўлган пахта ҳосилини ёғингарчилик кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишга кўмаклашиш учун институт талаба-ёшлари номидан йўлланган ташаббусини инobatга олган ҳолда институт талабаларининг пахта йиғим-терим ишларига жалб қилинганлиги сабабли ўқув жараёни **5 (беш) ҳафта муддатга** узайтирилганлиги фанлардан академик қарздор талабаларни ва уларнинг ота-оналарининг мурожаатлари ҳақида гапириб, 2014-2015 ўқув йилининг баҳорги семестр натижаларига кўра фанлардан академик қарздор талабаларга **2015 йилнинг 31 октябригача** қарздор фанлардан рейтинг назоратларни қайта топширишларига муддат белгилаш таклифини киритди.

Бундан ташқари, айна масала бўйича сўзга чиққан ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** ҳам юқорида билдириб ўтилган таклифни қўллаб-қувватлашини, шунингдек, талабаларнинг қарздор фанлардан рейтинг назоратларни ўз вақтида қайта топширишлари учун факултет деканлари ва кафедра мудирларининг масъулиятли бўлишларини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Институт Кенгаши аъзолари юқорида билдирилган таклифни бир овоздан маъқуллашди ва ушбу масала бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

#### Институт Кенгаши қарор қилади:

1. Институт талаба-ёшларининг пахта йиғим-теримига жалб қилинганлиги муносабати билан ўқув жараёнининг **5 (беш) ҳафта муддатга** узайтирилганлиги инobatга олинсин.
2. 2014-2015 ўқув йилининг баҳорги семестр натижаларига кўра фанлардан академик қарздор талабаларга қарздор фанлардан рейтинг назоратларни қайта топширишнинг охириги муддати **2015 йилнинг 31 октябри** этиб берилсин.

### II. Маъруза ўқиш учун рухсат бериш тўғрисида.

#### Эшитилди:

“Ўзбекистон тарихи” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ўқитувчилари **А.У.Жамолов** ва **Б.Б.Расуловларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

#### Институт Кенгаши қарор қилади:

“Ўзбекистон тарихи” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ўқитувчилари **А.У.Жамолов** ва **Б.Б.Расуловларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин.

#### Эшитилди:

“Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди:

1. **Келдияров Э.Б.,**
2. **Тўраев О.Қ.,**
3. **Очилов А.Э.,**
4. **Ходиева Н.Дж.**

#### Институт Кенгаши қарор қилади:



“Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

1. Келдияров Э.Б.,
2. Тўраев О.Қ.,
3. Очилов А.Э.,
4. Ходиева Н.Дж.

**Эшитилди:**

“Касб таълими” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистентлари **М.Аминова** ва **И.Эгамовларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Касб таълими” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистентлари **М.Аминова** ва **И.Эгамовларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

**Эшитилди:**

“Ижтимоий фанлар” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ўқитувчиларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди:

1. Ходжаева М.М.
2. Ибрагимова М.О.
3. Ҳаққулов Н.Қ.
4. Мамарахимов Қ.Х.
5. Джумаев Б.А.
6. Зулунова Д.А.
7. Турсунов Л.Э.
8. Хужамов Х.Х.
9. Омонтурдиев О.Ғ.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Ижтимоий фанлар” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ўқитувчиларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

1. Ходжаева М.М.
2. Ибрагимова М.О.
3. Ҳаққулов Н.Қ.
4. Мамарахимов Қ.Х.
5. Джумаев Б.А.
6. Зулунова Д.А.
7. Турсунов Л.Э.
8. Хужамов Х.Х.
9. Омонтурдиев О.Ғ.

**Эшитилди:**

“Қурилишда менежмент” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистенти **Р.Саидовга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун

рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Қурилишда менежмент” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистенти **Р.Саидовга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат берилсин.

**Эшитилди:**

“Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистентлари **С.Э.Куртаметов** ва **А.Уралбаевларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Қурилиш технологияси ва уни ташкил этиш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистентлари **С.Э.Куртаметов** ва **А.Уралбаевларга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат берилсин.

**Эшитилди:**

“Бино ва иншоотлар” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистенти **Ш.Турсуновга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Бино ва иншоотлар” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедра ассистенти **Ш.Турсуновга 100 (юз) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат берилсин.

**Эшитилди:**

“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди:

1. **Худойбердиев К.,**
2. **Одилова Д.,**
3. **Усмонкулов Ф.,**
4. **Султонов Д.**

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

1. **Худойбердиев К.,**
2. **Одилова Д.,**
3. **Усмонкулов Ф.,**
4. **Султонов Д.**

**Эшитилди:**

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз)**

**соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди:

1. **Исмоилов Н.И.,**
2. **Рахимов С.А.,**
3. **Тураева М.Х.,**
4. **Рахманова Н.Ж.**

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

1. **Исмоилов Н.И.,**
2. **Рахимов С.А.,**
3. **Тураева М.Х.,**
4. **Рахманова Н.Ж.**

**Эшитилди:**

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди:

1. **Гулмуродов Ф.,**
2. **Омонов И.,**
3. **Ўроқов О.,**
4. **Ниязов В.,**
5. **Болқиев Н.,**
6. **Аминжонова М.**

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Геодезия, картография ва кадастр” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг қуйидаги ассистентларига **100 (юз) соатгача** маъруза ўқишлари учун рухсат берилсин:

1. **Гулмуродов Ф.,**
2. **Омонов И.,**
3. **Ўроқов О.,**
4. **Ниязов В.,**
5. **Болқиев Н.,**
6. **Аминжонова М.**

**Эшитилди:**

“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг ассистентлари **Ф.Чоршанбаев, А.Меликуловларга 100 (юз) соатгача**, шунингдек, истисно тариқасида рус гуруҳларида дарс берувчи педагог ходимларнинг етарли эмаслиги сабабли кафедра ассистенти **Н.Салиевага 250 (икки юз эллик) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат бериш тўғрисида институт кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

“Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедрасида маъруза соатларининг кўплиги ва илмий даража ҳамда унвонли педагог ходимларнинг етарли эмаслигини ҳисобга олиб, 2015-2016 ўқув йилида кафедранинг ассистентлари **Ф.Чоршанбаев, А.Меликуловларга 100 (юз) соатгача**, шунингдек, **истисно тариқасида** рус гуруҳларида дарс берувчи педагог ходимларнинг етарли эмаслиги сабабли кафедра ассистенти **Н.Салиевага 250 (икки юз эллик) соатгача** маъруза ўқиши учун рухсат берилсин.

### **III. Ўқув адабиётларини чоп этишга тавсия бериш ҳақида.**

#### **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов** сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Бино ва иншоотлар” кафедраси доценти **М.М.Махмудов**, катта ўқитувчилари **Ш.И.Ғаниев** ва **Г.Р.Маруповалар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Бинолар ташқи тўсиқ конструкцияларини теплофизик ҳисоблаш”** номли ўқув қўлланмаси 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5140900 – “Касб таълими (Бино ва иншоотлар қурилиши)” бакалаврият таълим йўналиши талабалари ҳамда 5А340201 – “Бино ва иншоотлар қурилиши (Энергия самарадор бино ва иншоотларни лойиҳалаш)” мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланганлигини гапириб, ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди **Р.Махмудов** ҳамда СамДАҚИ “Бино ва иншоотлар” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди **Ғ.Ш.Шукуров** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5140900 – “Касб таълими (Бино ва иншоотлар қурилиши)” бакалаврият таълим йўналиши талабалари ҳамда 5А340201 – “Бино ва иншоотлар қурилиши (Энергия самарадор бино ва иншоотларни лойиҳалаш)” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз) нусхада** нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

#### **Илмий кенгаш қарор қилади:**

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Бино ва иншоотлар” кафедраси доценти **М.М.Махмудов**, катта ўқитувчилари **Ш.И.Ғаниев** ва **Г.Р.Маруповалар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Бинолар ташқи тўсиқ конструкцияларини теплофизик ҳисоблаш”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва 5140900 – “Касб таълими (Бино ва иншоотлар қурилиши)” бакалаврият таълим йўналиши талабалари ҳамда 5А340201 – “Бино ва иншоотлар қурилиши (Энергия самарадор бино ва иншоотларни лойиҳалаш)” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Бино ва иншоотлар” кафедраси доценти **М.М.Махмудов**, катта ўқитувчилари **Ш.И.Ғаниев** ва **Г.Р.Маруповалар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Бинолар ташқи тўсиқ конструкцияларини теплофизик ҳисоблаш”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади 100 (юз) нусхада нашрга тавсия этилсин.

#### **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов** сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси доцентлари **Х.Қўлдашев**, **С.Исроилов** ва **Ғ.Шомирзаевлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Архитектура материалшунослиги”** номли ўқув қўлланмаси 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланганлигини гапириб, ўқув қўлланмага Рованак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб ҳунар коллежи директори **Г.Тогаев** ва СамДАҚИ “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси доценти **З.Ю.Негматов** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши

таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз) нусхада** нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси доцентлари **Х.Қўлдашев, С.Исроилов** ва **Ғ.Шомирзаевлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Архитектура материалшунослиги”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 3580201 – “Бино ва иншоотлар бўйича техник архитектор” йўналиши бўйича таълим олаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедраси доцентлари **Х.Қўлдашев, С.Исроилов** ва **Ғ.Шомирзаевлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Архитектура материалшунослиги”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз) нусхада** нашрга тавсия этилсин.

#### **Эшитилди:**

Илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов** сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Олий математика ва физика” кафедраси доцентлари **Қ.Мамасолиев** ва **Ю.Нишоновлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”** номли ўқув қўлланмаси 5230200 – “Менежмент” бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланганлигини гапириб, ўқув қўлланмага СамДУ “Математик анализ” кафедраси доценти **У.Э.Мамиров** ва СамДАҚИ “Олий математика ва физика” кафедраси доценти **Б.Х.Хусанов** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5230200 – “Менежмент” бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари ҳамда айна вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инобатга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз) нусхада** нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Олий математика ва физика” кафедраси доцентлари **Қ.Мамасолиев** ва **Ю.Нишоновлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5230200 – “Менежмент” бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Олий математика ва физика” кафедраси доцентлари **Қ.Мамасолиев** ва **Ю.Нишоновлар** ҳаммуаллифлигида тайёрланган **“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий ўқув юртлари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз) нусхада** нашрга тавсия этилсин.

### **III. Илмий-фалсафий рисолали чоп этишга тавсия бериш тўғрисида.**

#### **Эшитилди:**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти **Т.Қосимов** томонидан СамДАҚИ профессори **Эсон Мухаммадиевнинг** рангтаъбир ва монументал асарларидаги маънавий ва фалсафий қарашлари асосида тайёрланган **“Ҳа”тга муҳаббат”** номли илмий-фалсафий рисоласини чоп этишга тавсия бериш тўғрисида институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Қурилиш конструкциялари” кафедраси доценти **Т.Қосимов** томонидан СамДАҚИ профессори **Эсон Мухаммадиевнинг** рангтасвир ва монументал асарларидаги маънавий ва фалсафий қарашлари асосида тайёрланган **“Ҳа” тга муҳаббат** номли илмий-фалсафий рисоласи чоп этишга тавсия берилсин.

**IV. Талабалар турар жойи учун тўлов пулларининг миқдори ҳақида.**

**Эшитилди:**

Талабалар ва магистрантлар учун Талабалар турар жойида яшаш муддати **9 (тўққиз)** ой яъни **сентябр, ноябр - июн** этиб белгилаш, институтнинг талабалар турар жойида яшовчилар учун тўлов пуллари талабалар ва магистрантларга бир ойлик тўлов **32.550 (ўттиз икки минг беш юз эллик) сўм**, Малака ошириш учун келган тингловчиларга бир ойлик тўлов **100.000 (юз минг) сўм**, меҳмонларга бир кунлик тўлов **15.000 (ўн беш минг) сўм** ва бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ҳамда уларнинг раҳбарларига бир кунлик тўлов **7.500 (етти минг беш юз) сўм** этиб белгилаш тўғрисида институт Кенгаши котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Ушбу масала бўйича институт Кенгаши аъзолари сўзга чиқиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

**Институт Кенгаши қарор қилади:**

1. Талабалар ва магистрантлар учун Талабалар турар жойида яшаш муддати **9 (тўққиз)** ой яъни **сентябр, ноябр - июн** этиб белгилансин.
2. Талабалар ва магистрантларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2015 йилнинг 1 сентябридан **32.550 (ўттиз икки минг беш юз эллик) сўм** этиб белгилансин.
3. Академик лицей ва касб ҳунар коллежларидан малака оширишга келган тингловчиларга талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир ойлик тўлов миқдори 2015 йилнинг 1 сентябридан **100.000 (юз минг) сўм** этиб белгилансин;
4. Меҳмонларга институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2015 йилнинг 1 сентябридан **15.000 (ўн беш минг) сўм** этиб белгилансин;
5. Бошқа ОТМларидан амалиёт ўташ учун келган талабалар ва уларнинг раҳбарларига институтнинг талабалар турар жойида яшашлари учун тўланадиган бир кунлик тўлов миқдори 2015 йилнинг 1 сентябридан **7.500 (етти минг беш юз) сўм** этиб белгилансин.



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов